

ЖАШЛИК СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

27 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА № 82 (830). Сотувда эркин нархда. 1994 ЙИЛ

ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



СУРАТДА: музокаралар пайти.

Ф. ҚУРВОНБОВ олган сурат. (ЎзА).



СУРАТДА: Хоразм заминда. (ЎзА).

БУЮК ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Франциялик муътабар меҳмон ташрифининг тушдан кейинги даври пойтахтимизнинг Алишер Навоий боғидан, буюк бобокалонимиз ҳайкали пойига гуллар қўйишдан бошланди. Алишер Навоийнинг абадий барҳаёт асарлари бугунги кунда жаҳондаги Улаб тилларда, жумладан, француз тилида ҳам жарангламоқда. Буюк шоир бундан беш аср муқаддам «Жаҳон аҳли, билингиз, иш эмас душманлик, ёр ўлинг бир-бирингизгаки, эрур ёрлик» деб хитоб қилган эди. Мамлакатимиз раҳбарияти юргизётган ташқи сиёсат бу ҳикмати сўзларга садоқат намунасидир. Турли қитъалардаги эзуғу ният-ният, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатилиши истаётган барча кишилар учун эшикларимиз ҳамيشа очиқ. Франция Президенти эса Европада бирлашув жараёнини бошлаб берган «Маастрихт шартномаси»нинг ташаббускорларидан бирidir. У жаҳондаги бошқа мамлакатлар, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларни мустаҳкамлашга интилоқда.

Ф. Миттеран буюк шоирни ҳурмат ва эъзоз билан ёд этди. Бу ерга тўпланган шаҳар аҳли ва жамоатчилик вакиллари икки мамлакат раҳбарига бўлажак музокараларда муваффақият тиладилар. Ўзбекистон-Франция дўстлиги халқларимиз манфаатига хизмат қилади, деб умид билдирдилар.

УЧРАШУВЛАР, МУЗОКАРАЛАР

Ўзбекистон ва Франция раҳбарлари ўртасидаги мулоқот ва ўзаро музокаралар Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги саройида бўлиб ўтди.

Дастлаб Ислоҳ Каримов ва Франсуа Миттеран қисқача яқма-яқна суҳбат ўтказдилар. Сўнгра ҳуқуқат аъзолари иштирокида музокаралар бошланди.

Франция Президенти-нинг мамлакатимизга ташрифи катта аҳамиятга эга бўлган воқеадир, — деди Ўзбекистон раҳбари. — У икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга янги равиш бахш этади. Бизнинг Францияга сафаримиз чоғида ўзаро ҳамкорликнинг пойдевори қўйилган эди. Эндликда уни янада мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Франциялик дўстларимиз нефть ва газ, енгил ва қайта ишлаш sanoatлари, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида яқиндан кўмаклашганликлари учун миннатдоримиз. Ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда мамлакатимиздаги Франция элчихонаси ва элчи жаноб Жан-Поль Везан катта жонбозлик кўрсатмоқда. Франциянинг турли соҳалар бўйича малакали мутахассислар тайёрлашдаги кўмагини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Бугун имзоланган ҳужжатлар мамлакатларимиз ва халқларимизни янада яқинлаштиради.

— Мамлакатимиз ўзининг жуғрофий ўрни жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга, — деб таъкидлади Ф. Миттеран. — Ўзбекистон минтақада тинчлик ва барқарорлик манбаи бўлиб турганлиги ҳам жуда муҳим. Франция ва Ўзбекистон ишончли ҳамкор бўла оладилар. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Биз Ўзбекистон Президенти билан икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг барча соҳалари ва минтақавий муаммолар хусусида фикрлашга оидлик. Кўп масалаларда фикримиз бир жойдан чиқди. Ўзаро ҳамкорлик борасида анчагина ишлар қилинмоқда, аммо ҳали амалга оширишнинг лозим бўлган ишлар ҳам кўп.

Музокаралар якунида икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик, Ўзбекистон Республикаси билан Франция Республикаси ўртасида фуқароларнинг эркин ҳаракати ҳақидаги битимлар, ҳаво транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисида қўшма декларация имзоланди. Бу ҳужжатлар икки мамлакат фуқаролари ўртасидаги борди-келдини осонлаштириш, иқтисодий, сийёсий, маданий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Музокараларда Франция ҳуқуқати расмий вакили, бюджет вазирни Никола Саркози, Европа ишлари бўйича делегат-вазир Ален Ламассур, Миллий Мажлис депутаты, парламентдаги француз-Ўзбек дўстлиги гуруҳининг президенти Шарль Гербрант, сенатор, Сенатдаги «Франция-Марказий Осиё» гуруҳининг президенти Жак Голье, Франциянинг Ўзбекистондаги Факултети ва мухтор элчиси Жан-Поль Везан ва бошқалар иштирок этдилар.

Ўзбекистон томонидан Республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Қ. Ҳақулов, Ташқи ишлар вазирни С. Сандқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар қатнашдилар.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг Илоҳ Каримов ва Франсуа Миттеран оммавий ахборот воситалари мухбирлари билан учрашдилар. Мулоқот давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.



СУРАТДА: Алишер Навоий ҳайкали пойида. (ЎзА).



СУРАТДА: Президентларнинг рафиқалари амалий санъат музейида. Р. НУРИТДИНОВ олган сурат. (ЎзА).

ХОРАЗМ САФАРИ

УРГАНЧ, 27 апрель. Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттеран хоним Ўзбекистон Республикаси Илоҳ Каримов ва Хоразм заминини ташриф буюрдилар.

Урганч шаҳридаги миллий аэропортида икки мамлакат президентлари ва уларнинг рафиқалари ҳамроҳида музокара ва мулоқотлар бўлиб ўтди. Муътабар музокара тушган автотранспорт ва машиналар билан ўзбекистонлик музокарачилар билан мулоқот бўлиб ўтди.

Урганч-Хива йўлида ҳам, икки мамлакат байроқлари юз суъ-

лари битилган шоирлар билан безатилган шаҳар кўчаларида ҳам мингмиглаб хоразмликлар меҳмонларни олқишлар билан кутиб олдилар.

Икки мамлакат Президентлари ва уларнинг рафиқалари кўҳна Хива шаҳрининг жаҳонга машҳур тарихий ёдгорликларини зиёрат қилдилар. Ичон қалъадаги тарихий меъморий обидаларни, кўҳна аркдаги Хива хонлари хос хонаси, Тошқоҳовлини кўздан кечирдилар. Хоразмнинг сўғи хони, шоир Феруз ва унинг авлодлари суратлари кўргазмаси, Юнусхон мадрасаси олдига намойиш қилинган халқ фольклор дасталарининг томошала-

ри, хоразм халқ кўшиги ва рақслари меҳмонларда илқ таассурот қолдирди.

Тошқоҳовлида ҳар икки мамлакат Президентлари оммавий ахборот воситалари мухбирлари билан қисқача суҳбатлашдилар. Франция раҳбари «Биз Ўзбекистонга бунёдкорлик ниятида келдик», деди. Президентлар икки буюк халқ дўстлигининг келажаги порлоқ эканини таъкидладилар.

Зиёрат давомида олий мартабали меҳмонларга Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзов ҳамроҳлик қилди.

Шу кунги меҳмонлар Тошкентга қайтишди.

ТЕАТГА ТАШРИФ

Франциялик меҳмонлар Алишер Навоий йидаги Давлат катта академик театрида бўлиб, «Арис» спектаклини томоқ қилди.

Маълумки, Тошқоҳовлидан бери саҳнадан аълавий ақрамонларидан бири. У бундан икки минг йиллар муқаддам Амударё Сирдарё оралигидаги рини

ҳимоя қилиш учун жонини берган аёл. Бугунги Ўзбекистон халқи ҳам она юртва садоқатини, бу юрт учун жон фидо қилишга тайёр эканини жуда кўп марта исботлаган. Узоқ йиллардан бери саҳнадан ташмай келаётган спектакль бугун ҳам ниҳоятда долзарбдир.

(ЎзА).

САМИЙЛИК ВА ЯҚДИЛЛИК

Франция Президентининг рафиқаси Даниель Миттеран хонимнинг Ўзбекистонга ташрифи даврида Тошкент жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетига қадам ранжиди қилиши ҳам назарда тутилган эди. Бунинг рамзий маъноси бор, албатта. Жаҳон ҳамжамиятига фаол равишда қўшилган Ўзбекистон давлатлараро муносабатларининг барча соҳаларида фаол қўриқини мумкин бўлган малакали мутахассислар тайёрлашга киришгани табиий. Даниель Миттеран хонимнинг Марказий Осиё минтақасида ишона билан бу махсус Учув юрти талабалари билан учрашуви ҳам беиз эмас. Университетга таш-

риф буюриш чоғида Миттеран хонимга Ўзбекистон Президентининг рафиқаси Татяна Каримова ҳамроҳ бўлди.

Учрашув иштирокчилари — олий ўқув юртининг мураббий ва талабалари муҳтарам меҳмонларга билим даргоҳи олдига турган вазибалар ҳақида гапириб бердилар. Ўзбекистон Президенти Илоҳ Каримов Фармони асосида ташкил этилган бу билим маскани хорижда иншайдиган мутахассислар тайёрлаш ҳамда олий таълимни янада тараққий эттириш бораси-

да бошқаларга ибрат бўлиши лозимлиги қайд этилди. Маъқур илм даргоҳи жаҳон иқтисодий ва бизнес асослари, менежмент ва маркетинг ҳамда хорижий тилларни чуқур ўзлаштирган мутахассисларнинг тайёрлигини масканга айланб қолди. Илгари бундай кадрлар республикадан ташқарида тайёрланар эди. Ўзбекистон мустақиллигида эришганидан кейингина бизда бундай имконият пайдо бўлди.

Франция ва Ўзбекистон Президентларининг рафиқалари иштирокидаги учра-

ФРАНЦУЗЛАР ТАЖРИБАСИ

Чортоқ туманидаги «Октябрь» жамоа хўжалигида француз чорвадорлари тажрибас асосида янги фермер хўжаликлари ташкил этилди. Бу хўжаликларда 100 тадан 150 гача қорамол боқилмоқда. Ҳар бир фермернинг уйига яқин жойдан 30 гектар майдон ажратилган. Энди унча катта бўлмаган қайта ишлаш корхоналари қурилади. Шундан бири — митти сут заводи шу йил охиригача ишга тушади.

Бу лнгликлар туман ҳокими Т. Пулатов ташаббуси туфайли юз берди. У яқинда Францияда бўлиб, француз чорвадорларининг иши билан танишиб қайтган эди. У Чортоқ хўжаликларида Европа тажрибасидан фойдаланишга таклиф қилди.

ЎзА мухбири. Наманган вилояти.

ЎзА мухбири.

СЕВГИ—КЎНГИЛ ОҒТОВИ

ТОРТИНМАГИЛ
Ишқ майин сипаргади,
эй, сен юрак, тортирмагил,

ишқ ўтин қийоғида.
Бул томонда дарди ҳижрон
қалбим айлар олчаранг,

БИЛМАЙ ҚОЛИБ...
Қилмагил кўнглим хира
айбу хато, билмай қолиб.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҲЛАР АКАДЕМИЯСИ МАЪ-
ЛУМ ҚИЛАДИКИ, 1994 ЙИЛ 21-22 АПРЕЛДА БЎЛИБ ЎТГАН
УМУМИЙ - МАЖЛИСДА АКАДЕМИЯНИНГ ҲАҚИҚИЙ АЪЗО-
ЛИГИГА ВА МУҲБИР АЪЗОЛИГИГА ҚЎЙИДАГИЛАР
САЙЛАНДИЛАР:

- «Юқори энергиялар физикаси»
«Юқори энергиялар физикаси»
Ихтисослиги бўйича
Иўлдошбоев Тоймас Соттиевич

- ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҲЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ
МУҲБИР АЪЗОЛАРИ:
«Эҳтимоллар назарияси ва ма-
тематик статистика» ихтисослиги
бўйича

- Азимов Жалолдин Азимович
«Молекуляр генетика» ихтисос-
лиги бўйича
Абдукаримов Абдусаттор


ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАРИ

Республика кўчаси мулк биржаси сизни ҳамкорликка
чақиради.
Биржа Ўзбекистонда Адлия вазирлиги томонидан
руҳхатта олинган ЯГОНА кўчаси мулк савдосининг таш-
килотчисидир.

Биржанинг ҳузурида малакали мутахассислар —
консалтинг, аудиторлик, ҳуқуқий хизматлари кўрсатила-
ди. Яна бир қўлайлик томони, биржа олди-соти опе-
рацияларини нотариус орқали расмийлаштирилишини
таъминлайди.

СОТИБ ОЛИНГ ВА
ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

6 май кўни Самарқандда ўтказиладиган
кўчмас мулкларнинг ким ошди савдосида
қўйидаги бинолар сотишга қўйилади:



Самарқанд шаҳрининг Мирша-
ропов кўчасида жойлашган
«Боғшамол» меҳмонхонаси. Тўрт
қаватли бино, 234 ўринди. Ҳамма
шароитлар мавжуд.
Бошланғич нархи 800 млн.
сўм - купон.

Самарқанд шаҳрининг Чўпон - Ота
дахасидаги Сибб тумани ҳокимлигининг
туғалланмаган биноси. Тўрт қаватли,
ғиштин бино. Қурилиш замонавий
усулда бошланган. Пардозлаш ишлари
бажарилмаган.
Бошланғич нархи 250 млн. сўм - купон.




Самарқанд шаҳрининг Анди-
жон кўчасидаги қурилиши бит-
маган ҳаммом. Бир қаватли
ғиштин бино.
Бошланғич нархи 300 млн.
сўм - купон.

Самарқанд шаҳри. Акмал
Икромов кўчасидаги воситачи
дўкон биноси.
Ғиштин бино. 800 кв. метр
майдонга эга.
Бошланғич нархи 200 млн.
сўм - купон.



Каттақўрғон шаҳри. А. Темуր кўчасидаги
«Каттақўрғон» меҳмонхонаси. Уч қаватли
ғиштин бино. 150 ўринди. Ресторан ва буфет
учун хоналари, ҳовлиси, бассейни, авто-
мобиллар тўхташ жойи ва ёғи дам олиш
сахни бор. 1-қаватида маиший хизматлар-
сарторошхона ва дам олиш хоналари учун
жой бор.
Бошланғич нархи 310 млн. сўм - купон.

Каттақўрғон шаҳри. О. Мирий кўчасидаги
3-ҳаммом. Бир қаватли ғиштин бино. 9 та
душхонаси, 1 та алоҳида хонаси ва
сарторошхонаси бор. Марказий
канализацияга уланган. Бир вақтинг узида
50 кишига хизмат кўрсатиш мумкин.
Бошланғич нархи 18 млн. сўм - купон.



Ургут шаҳридаги меҳмонхона.
Икки қаватли ғиштин бино. 50
кишилик ошхонаси бор.
Бошланғич нархи 400 млн. сўм -
купон.

Булунғур шаҳридаги 1-ҳаммом.
Ғиштин бино. Ошхона ва сарторош-
хона мавжуд. Соатига 52 кишига
хизмат кўрсатади, 0,63 танобери бор.
Бошланғич нархи 140 млн. сўм -
купон.



Оқтош шаҳридаги «Ветерок»
қаҳвахонаси. Шаҳар марказий
боғида жойлашган.
Бошланғич нархи 2 млн. сўм -
купон.

Оқтош пахта тоzalаш заводининг
ҳаммоми. Бир қаватли ғиштин бино.
Умумий майdonи 160 кв. метр, 6
хонали. Табиий газда ишлайдиган
иситиш қозонига эга.
Бошланғич нархи 4,5 млн. сўм -
купон.



Наршай тумани Кўкота қишлоғи-
даги дўкон (тойхонаси билан). Кўкота
зиёратгоҳи ёнидаги бир қаватли
ғиштин бино. 0,3 таноб ер майdonи
бор.
Бошланғич нархи 40 млн. сўм -
купон.

Булунғур шаҳридаги бозорга яқин
савдо растаси. Икки қаватли ғиштин
бино. 14 та дўконни ўз ичига олади.
Иккинчи қаватда кўрғазма зали ва
қўшимча хоналар мавжуд.
Бошланғич нархи 350 млн. сўм -
купон.

Нуробод тумани Сепки қишлоғидаги «Чорвадор» кафеси. Нуробод
шаҳридан 25 км. масофада. Миллий услубда қурилган бир қаватли бино.
Овқат тайёрлаш учун ошхона жиҳозлари ва хонаси мавжуд. 0,5 таноб ер
майdonи бор.
Бошланғич нархи 25 млн. сўм - купон.

Нурбулоқ кўрғони марказидаги ресторан (тойхонаси билан).
«Нурбулоқ» санаторийси ёнида. Бир қаватли бино.
Бошланғич нархи 20 млн. сўм - купон.

Самарқанд шаҳрининг Улуғбек кўчасида жойлашган «Регистон»
меҳмонхонаси. Шаҳар марказидаги тўрт қаватли бино, 267 ўринди. Ҳамма
қўлайликларга эга ҳамда тамаддиҳона ишлаб турибди.
Бошланғич нархи 750 млн. сўм - купон.

Кимошди савдосини ўтказувчи ташкилий кўмитанинг манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой
майdonидаги маъмурий бино (Жамғарма банки бошқармасининг 1-қавати)
Телефон: (3662) 35-29-65, 35-98-80.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ
ИШТИРОКЧИЛАРИ ЭЪТИБОРИГА

Сизни Республика қимматли қоғозлар «Тошкент» бир-
жаси ўзининг дастлабки савдосига таклиф этади.
Шу йилнинг 28 апрелидан бошлаб Республика қим-
матли қоғозлар «Тошкент» биржаси қимматли қоғозлар-
нинг доимий савдосини бошлайди. Савдога давлат та-
сарруфидан чиқарилаётган ҳиссадорлик жамиятлари-
нинг ва ўзга тақсирлотларнинг акциялари қўйилади.

Қимматли қоғозларнинг савдога қўйиш шартлари

1. Акцияларни савдога қўйишда қуйидагилар та-
лаб қилинади:

- Нотариус томонидан тасдиқланган ҳиссадорлик
жамиятининг низоми;
— Молия вазирлигида рўйхатга олинган, қимматли
қоғоз чиқариш учун талаб қилинадиган йўриқнома;
— охириги мuddатга тузилган бухгалтерия ҳисоботи;
— молиявий аҳроли ҳақида йиллик ҳисобот;
— охириги молия йилида олинган фойдани тақсимлаш
ҳисоботи;
— мустақил аудиторлик фирмасининг ҳулосаси;
— акциянинг намунаси (сертификат) ва акцияни депозитарийга
жойлаштириш масаласида ҳужжат.

3. Депозитарий сертификатларини савдога қўйиш шартлари:

- сертификат чиқарган банк низоми;
— депозит сертификат ҳақидаги қонда;
— Молия вазирлигида рўйхатга олинган йўриқнома;
— депозит сертификатининг намунаси.

4. Венселни савдога қўйиш шартлари:

- венселни тузиш шартлари;
— венсел бўйича тўлов шартлари;
— тўловчининг номи.

Турли хил қимматли қоғозларни савдога қўйиш,
расмийлаштириш ва керакли ҳужжатлар, сизларни қи-
зиқтирган масалалар бўйича республика қимматли қо-
ғоз биржасига мурожаат қилишиниз мумкин.

Манзилгоҳиниз: Ўзбекистон шoҳ кўчаси, 45-уй, теле-
фонлар: 45-79-49; 45-80-65; 45-84-76.

«Ўзозиковаксаноат» давлат-
акционерлик концерни 8-йой
саноатини мувофиқлаштириш
ва ривожлантириш бошқарма-
сининг бошлиғи Муҳаммаджон
Ражабовга акаси
Эркин
АБДУЛЛАЕВнинг
вафот этганлиги муносабати
билан чуқур ҳамдардлик из-
ҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси
Фан ва техника давлат
комитетини коллегиаси ва
касаба уюшмаси Ўзбекистон
Республикаси фан ва техника
давлат комитетини раиси-
нинг биринчи ўринбосари
Темурбек Усмоновга отаси
Бекмурод
УСМОНОВнинг
вафоти муносабати билан
чуқур ҳамдардлик изҳор
этади.

Халқ сўзи
НАРОДНОЕ СЛОВО
ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси.
ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ, Эсирғал БОЛИЕВ (мъсъл котиб, «Халқ сўзи»),
Эркин ВОҲИДОВ, Миржанал МИРАЛИМОВ, Сапохиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳар-
рир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное
слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Кўлаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ
(мъсъл котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЕЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ,
Муҳаммаджон ҚОРАБОВ, Саидхорр ГУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Набатчи муҳаррир
Р. Аҳмадалиев, набатчи
Г. Эшмуродов.